

Алмаий XIX аср ўзбек адабиётининг Тошкентда етишган таникли вакилларида, шоир, олим ва таржимондир. Эл орасида «Кори Фазлуллох» номи билан машхур бўлган. У 1852 йилда Тошкент шаҳрининг Кўштут маҳалласида тугилган. Отаси Миржалол бўзчилик билан шугулланган. Ёш Фазлуллох маҳалладаги эски мактабда, сўнг Хастимом ёнидаги «Мўйи Муборак» мадрасасида ўқийди. Амакисининг ёрдами билан Бухорога боради, мадрасалардан бирида ўқшнни давом эттиради. Араб, форс тилларини мукамал эгаллайди, хатготлик санъатини ўрганади. Фазлуллох моддий кийинчиликда яшаган. Бухородан қайтишда пули тамом бўлиб, Тошкентга пиёда келганини накл киладилар.

Бухоро мадрасасини тугатиб келгач, Хофиз Кўйкий маҳалласидан (ҳозирги Собир Рахимов туманида) Собира исмли кизга уйлантирадилар. Собира ўқимишли бўлган, шеър машк килган. Уйида мактаб очиб, кизларга дарс берган. Улар Жория, Халима, Бўлатхон, Назрулло, Саъдулло деган фарзандлар кўрадилар.

Фазлуллох Эски Жўвада жойлашган Шукурхон мадрасасида мударрислик кила бошлайди.

Замондошларининг хотирлашича, Фазлуллох тиксўз, таптортмас, кишининг айбини юзига очик айтувчи киши бўлган. Шу сабабли баъзи амалдорларга ёкмаган. Жумладан, козиқалон Умарбек билан чап тушиб, мадрасадан четлаштирилган. Шундан сўнг у, асосан, хаттотлик ва таржимонлик билан рўзгор тебратган. Ўрганган илму хунари ёрдамида кишилар учун хусусий хатлар ёзиб бериб, китоблар кўчириб, таржималар килиб кун кечирган.

Фазлуллох хат ёзишнинг турли усулларини, жумладан, «настаълик» ва «хатти нохуний» (тирнок билан ёзиш) санъатларини эгаллаган хаттот эди. Унинг шеър ва адабиётдан, араб тилининг сарфу нахви (грамматикаси)дан яхши хабардор эканлигини билар эдилар. Шу сабабли, Фазлуллохни Кўконнинг машхур эшонларидан бири ўз мадрасасига мударрисликка таклиф этади. Бирок Фазлуллох у ерда ҳам узок ишлай олмайди, Тошкешта қайтиб, хаттотлик ва таржимонликни давом эттиради, адабий давраларда фаол иштирок этади. Масалан, унинг Тошкентда кенг тарқалган «Бедилхонлик» йигинларида катнашгани маълум. Бедил чукур маъноли шеърлари билан машхур, усули гоят мураккаб. Уни тушуниш, англаш катта билим ва хунар талаб килган. XIX асрнинг сўнгида Тошкентда тан олинган 7 бедилхоннинг бири мана шу Кори Фазлуллох эди.

Фазлуллох ёшлигидан шеърга кўнгил кўйди. Гъазаллар машк килди. Хажвлар, хазил-мутойибалар ёзди. «Мўйи муборак» мадрасасида ўқиб юрган пайтларида ўша атрофда ўтин териб юрган бир кўкнорини шундай хажв килган эди:

Бошига кичик латта чулғаб,  
Ўлгунча хорзор кўкнори.

Алидин гарчи ҳеч иш келмас,  
Чўп терарга ярар кўкнори.

Кўкондаги бир гуруҳ бекорчи уламолар абжад устида тортишиб, Фазлуллохдан сўраганларида:

«Абжад»ингни абу жадинг билмас,  
«Каламан»ни биламан десанг, куламан, -

деб жавоб берган экан. Сўнрок у «Алмаий» (арабча «синчков, зийрак» дегани) тахаллусли шоир сифатида танилди. Араб тили грамматикасига оид «Авзонул-жумуъ» («Кўплик вазнлари») номли китоб ёзди. Машхур хинд адабий ёдгорлиги «Калила ва Димна»ни ўзбек тилига таржима килди.

Алмаий 39 ёшида вафот этди. Хотиф деган шоир унинг ўлимига багишлаб марсия ёзди. Уни «Маъдани фазл» (фазилат кони, илму дониш манбаи) деб атади. 1965 йилда олим ва мураббий Субутой Долимов унинг шеърларидан айрим намуналар эълон килди. «Калила ва Димна» таржимасидан парчани нашрга тайёрлади.

### Шеърлари

Фазлуллох уч тилда баравар ижод эта олган шоир эди. Замондошларининг хотирлашича, у шеърларини тўплаб, девон тузган. Бирок бу девоннинг такдири бугунгача номаълум.

Шоирнинг бир катор шеърлари турли баёзлар, замондошларининг уларга болаган мухаммаслари оркали етиб келган. Масалан, «Хаёт» радифли шеъри ўз даврида катта шухрат қозонган. Шоир Муқимийнинг унга болаган мухаммаси бор. Шеърга «хаёт» сўзи радиф қилиб олинган. Шеър:

Эй, хаёли жоним ичра танда жон янглиг хаёт,  
Келки, сансиз талх бўлди жонима тотлиг хаёт,—

деган байт билан бошланади. Шоир «хаёт»га мурожаат қилади. Унинг хаёлини тан ичидаги жон деб билади. Усиз ширин (тотлиг) умрнинг аччик (талх) бўлганлигига диққатни қаратади. Хаётнинг азизлигини таъкидлайди. «Жон ичра жон» (муқаррар), талх-тотлиг (тазод) оркали чиройли манзаралар яратади, таъсирчанликка эришишга ҳаракат қилади.

Муқимий Алмаийнинг ушбу шеърига мухаммас боғлар экан, шоир байтидаги гоёни шундай давом эттирган эди:

Айру сандин сувдин айрилган каби болиг хаёт,  
Бўлди дардидин жудолиг чехраси сориг хаёт.  
Бўлмади гамдин йўлингда бир нафас фориғ хаёт,  
Эй, хаёли жоним ичра, танда жон янглиг хаёт,  
Келки, сансиз, талх бўлди жонима тотлиг хаёт.

Хаётга меҳр гоёси байтма-байт, сатрма-сатр қучайиб боради. Чунончи, иккинчи байтда, томир («рағ»)ларимда оқётган «кон» эмас, сенинг хаёлинг («фикратинг»)дир, вужудимдаги «оташ» сенинг «ишкинг»дандир, дейди шоир. Фикр қучайиб, гап умрнинг мазмунига кўчади:

Умр гар хуш ўтса, умри Нўх ҳам камдур вале, Кўп узундур кўз юмуб очкунча кулфатлиг хаёт.

Нух, ривоятга кўра 1600 йил умр кўрган пайгамбардир. Умр хуш (яхши) ўтса, мана шу

узун умр хам камдир. Агар кулфатлик бўлсачи? Кўз юмиб очгунча фурсатлиги хам кўп узундир. Шоир талмех (ўтмишдаги бирор воқеа ёки шахсга ишора), тазоддан унумли фойдаланмоқда.

Сўнгги байт — мактаъда гап шоирнинг ўз тақдирига кўчади. Муаллиф дам-бадам кон юттираётган бахтдан, ўлим захрини ша-қарга кўшиб тутаётган хаётдан зорланади.

Шеър катта фалсафий мазмунга эга. Хар бир киши тақдирида турфа хил кечадиган инсон умри хақидаги ўйлардир. Умрнинг нақадар мураккаб бўлмасин, азизлиги, ганиматлиги, тақрорлан-маслиги хақидаги ўйлардир.

Шоирнинг айрим шеърларида илохий ишк мавзуси кўзга ташланади. Масалан, «Этти» радифли шеърида ишк тақдир сифатида талкин қилинади.

Азал дехкони қаддинг нахлини то сарбаланд этти,  
Муҳаббат риштасин қўнглум қуши бўйнига банд этти, -

деган сатрлар билан бошланади шеър. Яъни, яратувчи («азал дехкони») сенинг қаддинг ниҳоли («нахли»)ни ўтказган қуниёк муҳаббат ипи («риштаси»)ни қўнглум қуши бўйнига боғлаган («банд этган») эди. Бирок у шоир вафоларига жафолар билан жавоб беради. «Хоки тани» (оёқ ости бўлган тани) устига «гарди саманд» этади (от ўйнатади), «агёр» (рақиб)ларни «аржуманд» (азиз) этади ва хоказо.

Алмаийнинг шеърлари орасида ҳазил-мутойибага мойиллари хам учрайди.

«Майлигаму?» радифли шеъри савол-жавоб - диалог асосига қурилган. Юмшок, ўиноқи оханг, майин эрқаланиш шеърнинг бошидан охиригача давом этади:

Дедим: қулогинга олтун исирга так, ярашур,  
Деди: тешуклар огрийди, тор, майлигаму?

Дедим: сочинга улагил қумуш попук, ярашур,  
Деди: белимга тегиб огритор, майлигаму?

Дедим: қўлингга жавоҳир узук солгил, ярашур,  
Деди: қўлимда сўнтак йўк, сикор. майлигаму?

Дедимки, қўксунга гухардин айлагил маржон,  
Деди: огир, не килурман, букор, майлигаму?

Дедим: юрақдин ўлан шохидин кийинг қўйлак,  
Деди: бу ок баданима ботор, майлигаму?

Дедим: аёгинга кийгил каро чармдан кафш,  
Деди: кабарса нетурман, бекор, майлигаму?

Дедим: висолингга Алмаийни кил мехмон,  
Деди: ойим урушур хам сўкор, майлигаму?

Қўрганингиздек, газал давомида ёрнинг эрқаланиб берган жавоблари асносида унинг мумтоз шеърятимизда тасвир этиладиган гоят нозик ва латиф киёфаси намоён

бўлади. Маъшуканинг кулоклари шу кадар нозикки, олтин сирга унинг учун кўполлик килади. Кумуш попук белини огритади. Унинг кўллари суяксиз, гавхар маржонлар бўйнига огирлик килади. Шойи, ипак кўйлақлар ок баданига ботади...

Алмаий кундалик турмуш ташвишлари, йил фасллари, масалан, бахор, ёз хакида ҳам хазил шеърлар ёзган. Мана, шулардан биттаси:

Эй худо, кишни ёз килсанг-чи,  
Танчадин бениёз килсанг-чи.

Кор ўрнига сабзалар чикориб,  
Карга жойига гоз килсанг-чи.

Ахмону дахмону ажуз ингни  
Хаммасин бир жувоз килсанг-чи.

Киш умрини бир нафасга килиб,  
Ёз умрини дароз килсанг-чи.

Ё совук ила кишни бир йилга  
Бир-биридин ароз килсанг-чи.

Ё бериб сабр ила тахаммулни,  
Ул айшини соз килсанг-чи.

Ё ситамгар жафочи ёримни  
Бир манга дилнавоз килсанг-чи.

Алмаийдек кулингни, эй юзи гул,  
Бир караб, сарфароз килсанг-чи.

Алмаийнинг бизга етиб келган шеърлари унинг поэтик истеъдоди кўп киррали эканлигани кўрсатади. Шоир хаёт фалсафаси хакидаги шеърларини кандай махорат билан битса, тасаввуфий газалларига канча чуқур мазмун жойласа, хазил-мутуйибаларида ҳам шунчалик таъсирчанликка эришишга муваффақ бўлади. Араб, форс тилларини билиши сўзларнинг маъно товланишларидан самарали фойдаланиш имконини берган. Кофия ва радифлар, асосан, фикрни етказишда, шеърнинг рухи ва йўналишини белгилашда муҳим рол ўйнайди. Шоир вазнининг имкониятларидан жуда самарали фойдаланади.

«Калила ва Димнаи туркий»

Алмаийнинг энг катта хизматларидан бири «Калила ва Димна»ни таржима қилиши бўлди. Таржима жуда катта кизиқиш билан кутиб олинди. 15 йилда «Калила ва Димнаи туркий» номи билан уч марта (1898-1901-1913) чоп этилди.

Алмаий таржимани тошкентлик мухлиси Мухаммад Мусо Исоқози ўглининг илтимоси билан амалга оширган. Накл қилинишича, Мухаммад Мусо кўпдан ушбу китобга кизиқиб

юрар, Алмайга ўқитиб, огзаки таржима килдириб, эшитар экан. Нихоят бир куни бутун китобни таржима килиб беришини сўрабди. Алмай рози бўлибди. Мухаммад Мусо уни ўз меҳмонхонасига олиб келибди. Оиласини моддий жихатдан таъминлаб турибди. Алмай уч йиллик ишни уч ойда тамомлаб, таржимани Мухаммад Мусо кўлига тутказибди. Хуллас, таржима шоир вафотидан кейин етти йил ўтгач, тошбосмага тайёрланади. Уни машхур котиб Мирза Хошим Хўжандий босмага тайёрлайди. «Калила ва Димна» бундан 1700 йиллар илгари Кашмирда яратилган. Кадим номи «Панчатантра» («Беш китоб»)дир. Буюк бобокалонимиз Абу Райхон Беруний у хақида шундай ёзган эди:

«Хинд халки илминг жуда кўп тармоқларига ва сон-саноксиз китобларга эга. Уларнинг ҳаммасини камраб олиш кийин. Лекин шунга карамай, бизда «Калила ва Димна» номи билан юри-тиладиган хиндларнинг «Панчатантра» китобини таржима қилишни жуда хоҳлар эдим. Бу китобни хиндчадан форсчага, форсчадан арабчага ва ундан сўнг бошқа жуда кўп тилларга таржима қилдилар».

Дархақиқат, у Беруний замонасидаёқ дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган эди. Унинг биринчи таржимаси ВИ асрга тўғри келади. Эрон шохи Анушервони Одил (531—579) бу китобнинг таърифини эшитиб, Барзуя деган табибини юбориб, оддиради ва пахлавий (кадимий Эрон) тилига таржима қилдиради. ВИИИ аср бошларида Абдулла ибн ал-Мукаффаъ Барзуя нусхасидан арабчага таржима қилади. Дунёнинг бошқа тилларига қилинган таржималар учун асос бўлган нусха мана шу арабча нусхадир. 932 йилда машхур тожик шоири Рудакий «Калила ва Димна» мавзусида дoston ёзгани маълум.

«Калила ва Димна»ни 1494 йилда Хусайн Воиз Кошифий арабча нусхасидан форсчага таржима қилиб «Анвори Сухайлий» номи билан амир Шайхим Сухайлийга тортик этади. «Калила ва Димна» чигатой (ўзбек) тилига биринчи марта Мухаммад Бакрий деган киши томонидан ХВИИИ асрда Шаркий Туркистонда таржима қилинган. Сўнг 1718-19 йилларда Кашкарда Мулла Темур, 1837-38 йилларда Хоразмда Мухаммадниёз деган киши таржима қилганлари маълум. Алмайнинг таржимаси «Калила ва Димна»нинг турк (ўзбек) тилидаги илмга маълум бўлган тўртинчи таржимасидир.

Алмай ўз таржимасини «Калила ва Димнаи туркий» деб атади. Китобнинг ўзбекча таржималари орасида энг машхури ҳам шу бўлди. Китоб аслида 14 бобдан иборат эди. Таржималар давомида кўшилиб 19 тага етди.

Асли ёзилиш тарихи эса шундай хикоя қилинади:

Искандар Хиндистон шохи Форуг (Форек)ни енгиб, ўрнига ўз кишисини қўйиб, юришларини давом эттирди. Хиндлар Искандар ноибига итоат этмадилар, ораларидан Добшалимни шох қилиб кўтардилар. Замонлар ўтиб, Добшалим халкни унутди, кибр-хавога берилди. Мамлакатда зулм, адолатсизлик авж олди. Хинд брахман (рухоний)лари орасида Бедпой (Бейдабо) деган бир донишманд бор эди. У подшони тўғри йўлга солишга аҳд қилди. Бир шогирди билан бир йил давомида узлатга чекилиб бир китоб ёзди. Бу «Калила ва Димна» эди. Кўпни кўрган Бейдабо тўғри сўзнинг подшога каттик тегишини билиб, барча гапларни вахший хайвонлар, дарранда ва паррандалар тилидан берди. Шунга кўра, у содда одамлар учун эрмак, онглилар учун ибрат эди.

Добшалим китобдан мамнун бўлади. Мамлакатга яна адолат қайтади. Китобнинг овозаси Анушервони Одилга етади. Барзуя ҳақим узок саргузаштлардан сўнг китобдан Эронга нусха қўчириб боради.

Китобдаги Барзуя хакидаги боб ҳам ибратлидир. У - машхур хаким. Унинг фикрича, инсон касалликлари орасида энг ёмони мол-дунё тўплаш касаллигидир. Бу кутурган туядан жар устига эгилган икки шохга осилиб кутулиб колмокчи бўлган одамнинг холини эслатади. Одам оёк кўйган жар ёкасидаги индан тўртта илон бош чиқариб турибди. Тепада осилиб турган шохларни бир ок, бир кора сичкон тинимсиз кемирмокда. Жаханнамдай жарда эса улкан аждахо огзини очиб турибди. Шохларнинг бири устида асалари уяси, асал. Одам ҳамма кўркувни унутиб, бармогини ари инига ботиради ва иштаха билан асал ейишга тушади. Тотли болдан боши айланади. Жахолат мастлиги билан жарга кулайди. Жар бу — дунё, ок-кора сичконлар кеча ва кундуздир. Улар умрни тезрок поёнига етказиш учун узлуксиз алмашиниб турадилар. Тўрт илон қадим хинд фалсафаси бўйича борликнинг мохиятини ташкил этган тўрт унсур (сув, олов, тупрок, шамол)дир. Булардан биронтаси ўз мувозанатини йўқотса, инсон дархол махв бўлади. Бол - азоби кўп, фойдаси кам фоний дунёдир. Аждахо ҳеч ким қочиб кутула олмайдиган ўлимдир.

Калила ва Димна - асарнинг бош қахрамонлари, икки шаголнинг оти. Китобдаги воқеа рожа (хиндларнинг ҳукмдори) ва брахман (донишманд) орасидаги суҳбат билан бошланади. Рожа брахмандан ёлгон ва тухмат билан дўстларнинг оралари бузилиб, душманликка айланган хикоялардан айтиб беришини сўрайди. Брахман «Шер ва Хўкиз» хакидаги хикояни айтиб беради. Унинг қисқача мазмуни куйидагича эди: Бир бой савдогарнинг ўғиллари бор эди. Улар катта бўлгач, бирор фойдали иш қилмай, ота мол-дунёсини соғуришга тушадилар. Ота уларга мол-дунё йиғиш қанчалик қийин иш бўлса, уни фойдали, ақлли, тадбирли сарфлаш ҳам шунча қийин ва нозик иш эканлигини айтади. Нихоят, ота насихати таъсир қилиб, фарзандлар қасб-хунар билан машғул бўлишга киришадилар. Катта ўғли савдогарлик қилиш учун узок мамлакатга сафарга чиқади. Унинг икки хўкизи бор эди. Бирининг оти Шатраба, иккинчисининг оти Бандаба эди. Йўлда ботқоқлик чиқиб, Шатраба ботиб қолади. Чиқариб оладилар. Холсиз бўлгани учун қолдириб кетадилар. Хўкиз серсув, серўт жойга бориб яшай бошлайди, семириб кетади, ўйноқлаб маърайди. Шу атрофда бир Шер яшарди. У Хўкизни умрида кўрмаган, овозини эшитмаган эди. Хўкизнинг хайбатли овози Шерни саросимага солади. Ахволини бошқаларга сездирмаслик учун овга қикмай кўяди. Атрофидаги хайвонлар орасида иккита шагол бор эди. Икковлари ҳам сезгир ва маккор эдилар. Лекин Димна зийракрок ва ёвузрок эди. Икки шагол Шернинг ахволини муҳокама қила бошладилар. Димна бунини Шернинг нотаниш овоздан кўркаётганидан эканлигини англаб етади. Уни Шер хузурига бошлаб келади. Шер ва Хўкиз дўстона яшай бошладилар. Улар орасидаги меҳр-мухаббат кундан-кун ўсиб боради. Шер Хўкизга юксак мартабалар беради. Бу хол Димнанинг кўнглида ҳасад оловини ёқади. Димна улар орасига душманлик солиш режасини туза бошлайди. Нихоят бунга эришади. Шер Хўкизни ўлдиради. Димнанинг қилмишларидан хабардор Калила ҳам унинг макр турларидан даҳшатга тушган ва унинг ёвузлигига қандай олмай ўлган эди. Шатрабани Димнанинг гапи билан ўлдириб қўйган Шер ўз ишидан пушаймон бўлади. Онасининг маслаҳати билан Димна ишини тафтиш қилдиради. Тафтиш давомида Димнанинг тухматлари аён бўлади ва ўлимга ҳукм қилинади. Калила ва Димна воқеаси шу билан тамом бўлади. Бирок бу хикоя ичидаги турли далил ва муносабат учун келтирилган ўнлаб хикоячалар бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз холича мустақил, тугалланган сюжетларни ташкил қилади. Рожа ва брахман суҳбати бундан кейин яна 13 бобда давом этади. Рожа мавзу беради. Брахман бири-биридан марокли,

бири-биридан ибратли ўнлаб хикоялар айтади. Булар ҳаммаси инсонга хос хислатлар - унинг камчилик ва фазилатлари хақида. Бирининг самаралари, иккинчисининг оқибатлари хақида. Ва улар, албатта, маълум бир муносабат билан келтирилади. Масалан, «Бир кишининг ёнгинда колган илонни куткармокчи бўлгани ва кўп ташвишлар тортиб ундан кутулгани» хақидаги хикояни олайлик.

Рожа брахманга икки дўст орасида пайдо бўлган душманлик хақидаги хикоядан сўнг самимий дўстлар, садокат ва биродарлик борасида сўзлашни сўрайди. Брахман Чинкабутар, Карга, Сичкон, Тошбака ва Оху хақидаги хикояни бошлайди. Илон хикояси шунинг ичида келади.

Кашмирнинг овлок бир жойида бир овчи дон сепиб тўр ёяр, уни бир карга кузатар эди. Кабутарлар донга тушардилару тўрга илинардилар. Овчи бекинган жойидан чикиб келар, кабутарларнинг хар бири ўз жонини куткариш учун харакат килиб, тўрга янада махкамрок ўралар эдилар. Шунда кабутарларнинг бошлиги Чинкабутар ҳаммани осмонга баравар кўтарилишга чакиради ва шу тарика тўр билан учиб овчидан кутуладилар. Чинкабутар дўсти Сичконни топиб, биргаликда дўстларининг оёқларини банддан ха-лос килдилар. (Сичкон тўр ипларини киркади.) Бу воқеаларни кузатиб турган Карганинг Кабутар ва Сичкон дўстлигига хаваси келади. Сичконга келиб дўст бўлишни таклиф килади. Сичкон Карга билан унинг орасида хеч қандай яқинлик йўқлигини, кимки ўз тенги билан бўлмаса, унинг бошига Какликнинг куни тушишини айтади. Карга уни айтиб беришини сўрайди. Бир куни тоғ этагидаги сайроки Какликнинг овозини Лочин эшитиб, у билан дўстлашгиси келиб қолибди. Лочин хар қанча харакат килмасин, Каклик унамабди. Лочин онтлар ичибди. Охири Каклик кўнибди. Улар Лочин уясида инोक яшай бошлабдилар. Лекин бу иноклик узок чўзилмабди. Бир куни очиккан Лочин бир бахона билан Какликни шарт иккига бўлиб еб кўйибди.

Карга Сичконнинг далил учун келтирган хикоясига қарши уни ранжитиш хаёли йўқлигини, уни еган билан қорни тўймас-лигини, хаёлида самимий дўстликдан бошқа нарса йўқлигини айтади. Сичкон яна далил келтиради. Дўстлик даъвосини қилган душманнинг сўзига ишонган одамнинг бошига илонни куткариб балога қолган туяқашнинг ахволи тушишини айтади. Бу машхур хикоя шу муносабат билан ўртага чиқади.

Унинг мазмуни қуйидагича:

Туя минган бир киши йўлда кетарди. Олдидан ўт кетган дашт чикибди. Катта бир илон оловлар устида тўлганарди. У кўз ёш тўкиб, туяқашдан куткаришни илтижо килади. Туя минган кишининг раҳми келади. Тўрвасини найза учига боглаб, илон томонга узатади. Илон тўрва ичига қиради. Халоскор бир ордан сўнг тўрва оғзини очиб уни чиқариб юбормокчи бўлади. Илон тўрвадан чиққач, халоскорини ва унинг туясини чакмасдан кетмаслигини айтади. Улар орасидаги яхшиликка яхшилик қайтмаслиги хақидаги бахс анча давом этади. Илон яхшиликка ёмонлик қайта-риш одамзодлар мазхабида борлиги хақида гувоҳлар топади. Та-содифан шу ердан ўтиб қолган тулки туяқаш жонига ора қиради. Устамонлик билан илонни тўрвага киритиб, туяқаш қўлига тутказади.

Карга ва Сичкон можароси шу тахлит давом этади. Илон ва туяқаш масали дўсту душманни фарқлаш, душманнинг макру хийлаларига учмаслик, зарурат тўғриси берадиган онту ваъдаларига алданмаслик хақидадир. Хикоя Шарк адабиётида кенг ишланган Тошбака ва Чаён масалини эсга туширади.

Алмай «Калила ва Димна»ни ўзбекчага таржима қилар экан, уни ўзбек ёзувчисининг

диди ва карашларига мослашга ҳаракат килди. Кўпчилик тафсилотларни кискартирди. Боблардаги сарлавхаларни ўзгартирди. Мавзуни сарлавхага чикарди. Хикояларни шеърий парчалар билан зийнатлашга, хулоса - хиссаларни 2-4 мисрала ихчам байтлар билан беришга ҳаракат килди. Хинд эпоси «Калила ва Димна»ни чиндан ҳам «Калила ва Димнаи туркий»га айлантирди. Халкимизни жахон адабиёти дурдоналари билан таништиришда, ўзбек ва хинд халқларини бир-бирларига яқинлаштиришда муҳим хизмат килди.

*Б. Косимов тайёрлаган*

Кимки аслида бадумид эрур,  
Яхшилик ул кишидан этма умид.

\* \* \*

Чикмагил маккорликнинг томига,  
Тушқасн аду балонинг домига.  
Арфа экиб дашт билан роғда,  
Бугдой олгум дема урар чоғда.

\* \* \*

Жарохатким етар кўнгилга тилдин,  
Килолмас ҳеч мархам ани бархам.

\* \* \*

Каноат кил, эй нафс, андакка ҳам,  
Ки келтургуси хирс бешак алам.